www.ishonch-doverie.uz
2011-yil 27-avgust № 106-107 (2988) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

*Ер юзидаги халқларни, тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, уларнинг барчасини бирлаштирадиган, авваламбор, ёш авлодимизнинг онги ва қалбида чуқур акс садо берадиган ғоят таъсирчан бир восита, қудратли бир куч борки, у ҳам бўлса, мусиқа, унинг оҳанг ва тароналари, мумтоз куй ва қўшиқлар, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.*

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» САККИЗИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

*Қадрли меҳмонлар!*

*Муҳтарам фестиваль иштирокчилари!*

*Хонимлар ва жаноблар!*

*Аввало, мана шу муҳташам майдонда ўтирган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг қатнашчиларини, чет эллик ҳурматли меҳмонларимизни ва Самарқанд жамоатчилигининг вакилларини кўриб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман.*

*Бугун қадимий Самарқанд шаҳрининг юраги бўлмиш муаззам ва бетакрор Регистон майдонида «Шарқ тароналари» фестивалининг очилиш маросимида қатнашар эканмиз, бу санъат анжуманининг йилдан-йилга обрў-эътибори ортиб, дунёдаги энг нуфузли мусиқа фестиваллари қаторидан мустаҳкам ва муносиб ўрин топиб бораётгани барчамизга катта мамнуният ва ғурур бағишлайди.*

*Бунинг тасдиғини 1997 йилда ўтказилган биринчи фестивалда 31 та мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу йилги анжуманга жаҳоннинг турли ўлкаларидан, яъни Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъаларида, Шарқ ва Ғарб минтақаларида жойлашган 56 та давлатдан истеъдодли санъат намояндалари ташриф буюргани мисолида яққол кўриш мумкин.*

*Бир сўз билан айтганда, ушбу анжуманнинг донғи ва довруғи дунё миқёсида тобора кенг ёйилиб, янги-янги моҳир хонанда ва созандаларни ўз сафига тортаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.*

*Айни пайтда фестивалимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим ва фан, маданият ва санъат соҳалари бўйича етакчи ташкилоти бўлмиш ЮНЕСКОнинг ҳомийлиги ва раҳнамолигида ўтказилаётгани бу анжуманга янада юксак мақом ва нуфуз бағишламоқда.*

*Қадрли дўстлар, азиз биродарлар!*

*Бу фестивалнинг жаҳондаги энг кўҳна шаҳарлардан бири бўлмиш, Шарқ оламининг ўлмас руҳини, унинг қадимий ва ҳамиша навқирон қиёфасини ўзида мужассам этган, ҳар қадамда шарқона файзу тароват сезилиб турадиган гўзал ва афсонавий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши — бу фикрга ҳаммангиз қўшиласиз, деб ўйлайман — унга чуқур маъно-мазмун ва шукуҳ бахш этмоқда.*

*Бугунги санъат байрамига дунёнинг узоқ ва яқин давлатларидан келган сиз азизларни қутлар эканмиз, сизларнинг тимсолингизда биз авваламбор турли халқлар мумтоз мусиқасининг ёрқин вакилларини, санъат усталари ва устозларини кўрамиз.*

*Сизлар ўзингизнинг ноёб санъатингиз, инсон қалбига етиб борадиган куй-қўшиқларингиз ва ижро маҳоратингиз билан миллион-миллион мусиқа мухлисларига завқ бағишлаб, фестиваль хазинасини янада бойитишга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.*

*Шу ўринда муҳим бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. Бугун биз яшаётган нотинч ва ўта мураккаб даврда барчамиз бу фестивалнинг ижобий таъсири, аҳамияти ва моҳиятини унинг элу элатлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, ҳаётбахш мусиқа санъати орқали одамлар қалбида эзгу инсоний туйғуларни уйғотиш, муштарак томирларни бир-бирига яқинлаштиришдек олижаноб мақсадларга хизмат қилишида кўрамиз.*

*Шу борада яна бир фикрни таъкидлаб ўтишни истардим. Ер юзидаги халқларни, тили, миллати, дини ва урф-одатидан қатъи назар, уларнинг барчасини бирлаштирадиган, авваламбор, ёш авлодимизнинг онги ва қалбида чуқур акс садо берадиган ғоят таъсирчан бир восита, қудратли бир куч борки, у ҳам бўлса, мусиқа, унинг оҳанг ва тароналари, мумтоз куй ва қўшиқлар, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.*

*Шу маънода, бугун очилаётган «Шарқ тароналари» фестивалининг ана шундай юксак ғояларга хизмат қилиши барчамизга баланд руҳ бағишлаб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиши табиийдир.*

*Айнан ана шундай олижаноб мақсадларни рўёбга чиқариш ва ўзининг ноёб маҳоратини намоён этиш учун дунёнинг турли-турли минтақаларидан азим Самарқандга келган сиз азиз меҳмонларимизга аввало барча мусиқа ихлосмандлари номидан, қолаверса, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.*

*Муҳтарам меҳмонлар!*

*Мен яхши тушунаман — шу кунларда сизларнинг бор эътиборингиз, вақтингиз, ҳаракат ва интилишларингиз фестивалдаги жўшқин ижодий мусобақаларда юқори ўринларга эришиш, соврин ва мукофотларни қўлга киритишга қаратилган. Ана шундай юксак ғалаба ва ютуқларни қўлга киритишда барчангизга зафар ва омадлар ёр бўлишини тилайман.*

*Албатта, ушбу анжуман кунларида яратилган имкониятлардан фойдаланиб, сизлар Самарқанд шаҳрининг бағрикенг, меҳмондўст халқи билан яқиндан танишасиз, унинг ноёб меъморий ёдгорликлари ва тарихий обидалари, афсонавий Шарқ тимсоли бўлмиш Самарқанд бозорларини кўрасиз ва ишонаманки, ўхшаши йўқ бу гўзал шаҳарга, Ўзбекистон заминига мафтун бўлиб қоласиз.*

*Ҳурматли юртдошлар! Муҳтарам меҳмонлар!*

*Бу йилги «Шарқ тароналари» фестивали бугунги кунда ҳар томонлама гўзал ва обод бўлиб, «Ер юзининг сайқали» деган таърифга муносиб бўлиб бораётган Самарқанд заминида* ***Ватанимиз мустақиллигининг айни 20 йиллик тарихий санаси нишонланадиган, мамлакатимиз, халқимиз учун буюк муборак айём, қутлуғ кунларда бўлиб ўтаётгани чуқур рамзий маънога эга.*** *Чунки «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига айнан мустақиллик йилларида асос солинди ва бу фестиваль истиқлолимиз билан бирга камол топиб бормоқда.*

*Мен ҳар сафар ушбу фестиваль муносабати билан Самарқандга келиб, сиз азизлар билан яна бир бор кўришиб, дилдан суҳбатлашиш имконига эга бўлганимдан ўзимни бахтиёр деб ҳис қиламан.*

*Шу фурсатдан фойдаланиб,* ***мен учун қадрдон бўлган Самарқанд аҳлига доимо қалбимнинг тўрида сақланиб келаётган самимий меҳрим ва ҳурматимни яна бир бор изҳор этишдан хурсандман.***

*Шу унутилмас дақиқаларда сизлар билан бирга дунёдаги машҳур истеъдод эгаларининг бетакрор санъатидан баҳраманд бўлиб, байрам қувончини баҳам кўриш насиб этганидан ғоят мамнунман.*

*Бугунги тантанамизда иштирок этаётган ЮНЕСКО ташкилоти, Халқаро халқ ижодиёти кенгаши каби нуфузли халқаро тузилмаларнинг вакилларига, хорижий давлатларнинг элчилари, анжуманимизнинг фахрий меҳмони бўлган италиялик машҳур хонанда Аль Бано Карризи жанобларига сизларнинг номингиздан катта ҳурмат ва миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.*

*Хуш келибсиз Самарқанд заминига!*

*Хуш келибсиз Ўзбекистонимизга, азиз би--родарлар!*

*Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор табриклаб, сиз азизларимга сиҳат-саломатлик, янги-янги муваффақият ва омадлар тилайман.*

*Эътиборингиз учун раҳмат.*

## «Шарқ тароналари» — етти иқлим наволари

**Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди**



8-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»**

**Мадримов Бохтиёр Ражабович** — Урганч туманидаги «Фаррух» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Сайилхонов Рўзиқули Сайипович** — Қоракўл туманидаги «Соҳиб» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

**Самандаров Хурсан** — Ангор туманидаги «Самандаров Хурсан» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Хамидова Оматхон** — Андижон туманидаги «Омад» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Юлдашев Анвар Ражапович** — Амударё туманидаги «Юлдашев» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»**

**Базаров Абдимурат** — Қамаши туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Сафаров Абдурашид** — Зафаробод туманидаги «Жомбой» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Холмуратов Икромали Умарович** — Олтиариқ туманидаги «Холмуродов» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Эсиргапов Абдукахар** — Сайхунобод туманидаги «Холбой ота» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»**

**Бурибоева Хабибахон** — Наманган туманидаги «Бўстон — ризқ йўли» фермер хўжалиги пиллачиси, Наманган вилояти

**Турсунова Ойтажихон Хашимовна** — Пахтаобод тумани «Пилла» давлат корхонаси агрономи, Андижон вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»**

**Абдурауков Сайеткул Алдабергенович** — Томди туманидаги «Томди» ширкат хўжалиги бош чўпони, Навоий вилояти

**Давлатов Бахром Эннаевич** — Чироқчи туманидаги «Чорвадор» ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

**Қохоров Дўсали Турсунмурадович** — Нуробод туманидаги «Саҳоба ота» ширкат хўжалиги бош чўпони, Самарқанд вилояти

**(Давоми 2-3-бетларда)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:**

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Сайиткулов Алимурод Гайбуллаевич** — Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедра бошлиғи

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»**

**Базаров Узак** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси

**Мамлакат Қуролли кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«Меҳнат шухрати» ордени билан**

**Зуфаров Хусан Адилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мудофаа ишлари бўйича бошқармаси бўлим бошлиғи

**Мирзаалимова Гулнора Мухтаровна** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Расулов Улугбек Абдугафурович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-клиник госпиталининг бўлинмаси бошлиғи — бош мутахассис

**Суннатов Улуғбек Джалильович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Алимов Таймураз Олимжанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Асамов Хужабахлил Фазлитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Галимов Равшан Савдоханович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Гафаров Ровшан Хаятович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Косимов Ойбек Миркомил ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Назармухамедов Даврон Абитович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Хамраев Абдулла Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари

**Юнусов Алишер Тулкунович** — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи

**«Дўстлик» ордени билан**

**Асямов Сергей Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси лаборатория бошлиғи

**Бахромов Миродилла Муртазаевич** — Навоий вилояти Нурота тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Блинов Евгений Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряд командири

**Израилбекова Махмуда Абдусамиевна** — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси

**Мадреймов Ниетбай Оразбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**Машарипов Уразбой Жуманазарович** — Давлат божхона қўмитасининг Хоразм вилояти божхона бошқармаси божхона пости бошлиғи

**Осокин Вадим Эдуардович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ташпулатова Гулсара Сабировна** — Тошкент шаҳар Бектемир тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Тимофеев Сергей Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби бошқармасининг катта муҳандиси

**Халиков Нематжон Алматович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бўлим бош тафтишчиси

**Холов Уткир Шомуродович** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Эргашев Бахтияр Усманович** — Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Ангрен шаҳар суди раиси

**Юлдашев Абдусалом Абдукаххарович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари

**Якубова Дильбахор Шариповна** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

**«Жасорат» медали билан**

**Абдуллаев Баходир Баротович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Алиев Тавакал Ниязович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси экипаж командири

**(Давоми 4-бетда)**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, Боши 1-бетда)

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»**

**Лаккай Николай Эдмундович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори, Навоий вилояти

**Нурматов Иномжон Рахимбердиевич** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мартен цехи пўлат эритувчиси, Тошкент вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»**

**Ерниязов Муса Тажетдинович** — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари

**Касимов Джуравой Юлдашевич** — «12-трест» акциядорлик жамиятининг 52-қурилиш бошқармаси монтажчилар бригадаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Очилов Холиқ Хасанович** — Жондор тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг автогрейдерчиси, Бухоро вилояти

**Эламанов Байназар Мирзаевич** — «Термизсантехгазмонтаж» қурилиш корхонаси директори, Сурхондарё вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»**

**Абдумўминов Абдурашид Абдуахадович** — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали директори

**Джураев Иброхим Джураевич** — «Uzinfocom» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази директорининг биринчи ўринбосари

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»**

**Каратаев Бахтияр Рахимович** — Ҳамза туманидаги «2-автобус саройи» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Шарипов Авас Туркманович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг Бухоро локомотив депоси тепловоз машинисти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»**

**Нуржанов Матякуб Маткаримович** — «Шовот-Куловот» ирригация тизими бошқармаси гидротехниги, Хоразм вилояти

**Холматов Маматкул Уразалиевич** — «Шўрўзак-Сирдарё» ирригация тизими бошқармаси Гулистон тумани бўлими муҳандис-гидротехниги, Сирдарё вилояти

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»**

**Аргов Владислав Маркович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «А-320» учувчилар отряди командири

**Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазо вор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«Эл-юрт хурмати» ордени билан**

**Аманова Рахима Абдурахмановна** — Учқўрғон туманидаги мактаб-интернат директори, Наманган вилояти

**Байлепесов Ниетбай Узакбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли академик эшкак эшиш бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бош мураббийи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Имамджанов Ибрагим Ахмеджанович** — Тошкент шаҳридаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

**Каримов Азад Зарипович** — Хива шаҳридаги «Ичан-қалъа» давлат музей қўриқхонасининг фонд бош сақловчиси, Хоразм вилояти

**Каримов Журабой Солиевич** — «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Қўштепа тумани бўлими раиси, Фарғона вилояти

**Қўлдошева Мунавар** — Ғаллаорол туманидаги «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Курбанкулов Суяржон Машарифович** — «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими раиси, Тошкент вилояти

**Норбутаев Уразали** — Боёвут тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири, Сирдарё вилояти

**Нурмонов Абдулхамид** — Андижон давлат университети «Тилшунослик» кафедраси профессори, Андижон вилояти

**Раматов Ачилбай Жуманиязович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси раиси

**Рахимов Тохир Ахмедович** — Нурота туманидаги хусусий тадбиркор (тоштарош уста), Навоий вилояти

**Тураев Рустам Худайберганович** — Олот туманидаги олимпия захиралари ихтисослаштирилган спорт мактаб-интернати директори, Бухоро вилояти

**Тураев Исок Латипович** — Қарши шаҳридаги «Эски масжид» театр студияси бадиий раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Усманов Мираброр Зуфарович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

**Фазлиев Гайбиддин Фазлиевич** — Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицей директори, Самарқанд вилояти

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

**Абулкасимов Файзулла Ғайбуллаевич** — Ғаллаорол магистрал газ узатиш бошқармаси экскаватор машинисти, Жиззах вилояти

**Бахромходжаев Бахтиёр Пулатходжаевич** — «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамиятининг механика таъмирлаш цехи бошлиғи, Тошкент вилояти

**Деҳқонов Абдуназар Муминжонович** — Тўрақўрғон туманидаги «Бураматут» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Джемуратов Амангелди Тургановurич** — Қанликўл тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг механизатори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Икрамов Адхам Ильхамович** — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири

**Кадиров Изатилла** — Сурхондарё вилояти гидрогеология мелиоратив экспедициясининг Шўрчи ва Олтинсой туманлари участкаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Курбонов Ражаббой Файзуллаевич** — «Гиссарнефтгаз» қўшма корхонасининг Бурғилаш ишлари ва қудуқларни мукаммал таъмирлаш бошқармаси бош геологи, Қашқадарё вилояти

**Мадрахимов Тухтапулат** — Бектемир туманидаги «Нерудник» акциядорлик жамияти бульдозер машинисти, Тошкент шаҳри

**Машарипов Ғайрат Рўзимович** — «Туямўйин гидроэлектростанцияси» давлат корхонасининг кран машинисти, Хоразм вилояти

**Раджабова Тутибийи Зикировна** — Иштихон туманидаги «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

**Санакулов Кувондик** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг бош директори, Навоий вилояти

**Эштемиров Мойли Мустафаевич** — Қамаши туманидаги «Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

**Юсупов Акбаржон** — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятининг 2-қозон турбина цехи энергоблок машинисти, Сирдарё вилояти

**«Меҳнат шухрати» ордени билан**

**Абдуллаев Досмамбет Шукурлаевич** — Қорақалпоғистон кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг бетончиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдуллаев Мурадулло** — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

**Алиев Салохиддин Набижонович** — «Сўх-Оқтепа» ирригация тизими бошқармасининг Риштон тумани бўлими экскаватор машинисти, Фарғона вилояти

**Алимов Бобир Шухратович** — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори

**Алиханов Борий Батирович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари — Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси

**Ахметов Малик Рашитович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «А-310» ҳаво кемаси командири

**Бозорбоева Жангилиш** — Жомбой туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

**Исмаилов Сайфиддин Умарович** — Жиззах вилояти ҳокими

**Исмоилов Нурдинжон Мўйдинхонович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

**Исмонов Бўтабой** — Шаҳрихон туманидаги «Юқори Шаҳрихон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Кузиев Эшдавлат Юсупович** — Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекс» қўшма корхонаси механика бўлими устаси, Сурхондарё вилояти

**Мирзаев Аваз Каримович** — Сайхунобод туманидаги «Машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг комбайнчиси, Сирдарё вилояти

**Мустоқов Бобоқул Хўжақулович** — «Ўзгеобурғинефтгаз» акциядорлик компаниясига қарашли «Олот нефть ва газ қидирув экспедицияси» шўъба корхонасининг пармаловчиси, Бухоро вилояти

**Нурматов Олимжон Рахимжонович** — Зангиота тумани ҳокими, Тошкент вилояти

**Режаббаев Валижон Исақович** — «Чортоқархитеккурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг бригада бошлиғи, Наманган вилояти

**Розуқулов Улуғбек Убайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

**Рузиев Зафар Шаропович** — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

**Рустамов Олимхон Бакиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг масъул ходими

**Сахатов Исматулла Саматович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Темир йўл транспорти бошқармаси тепловоз машинисти, Навоий вилояти

**Турсунбаев Юлчибой Эргашович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

**Турсунов Азим Дониёрович** — Қарши тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг йўл ишчиси, Қашқадарё вилояти

**Ўринбоев Ўнгор** — Зарбдор туманидаги «Шодлик» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Хазраткулов Маматкул** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг бош директори

**Ходиев Баходир Юнусович** — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири

**Худойберганов Ботирали Тожибоевич** — «Чорбоғ ГЭС қурилиш» шўъба корхонасининг қурилиш участкаси бошлиғи, Тошкент вилояти

**Шарипова Гавхар Зариповна** — «Нуроний» жамғармасининг Урганч тумани бўлими раиси, Хоразм вилояти

**Эшмуратов Собиржон Расулович** — Қўшработ туманидаги «Пангат йўловчи транс» масъулияти чекланган жамияти автобус ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

**«Дўстлик» ордени билан**

**Алимов Абдували Абдусалиевич** — Денов туманидаги «Акбар» кичик корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Арипов Рихсивой Каримович** — Шайхонтоҳур туманидаги «Янгишаҳар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Ахмедов Анвар Акмалович** — «Маҳалла» хайрия жамғармасининг республика бошқаруви раиси

**Бозоров Отабек Тошпулатович** — «Ўзгеобурғинефтгаз» акциядорлик компаниясининг «Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси» шўъба корхонаси бош геологи, Қашқадарё вилояти

**Биков Сергей Викторович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Воскобойников Александр Анатольевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Ми-8» вертолёти учувчиси

**Гафуров Элдор Шукурович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Джурабаев Абдурашид Абдувохидович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси

**Жабборов Собир Вахабович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси

**Жакбаров Абдилхошим Аширович** — Мингбулоқ тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг тракторчиси, Наманган вилояти

**Задорожная Раиса Андреевна** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги соғлиқни муҳофаза қилиш ва таълимни ривожлантириш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Закиров Саидусман Ахматович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг прокат цехи устаси, Тошкент вилояти

**Ибрагимов Бахтиёр** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Исломов Даврон** — Самарқанд туманидаги «Бинокор» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

**Итолмасов Чори Сайидович** — Бухоро шаҳридаги «Келажак» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Бухоро вилояти

**Камилов Абдулазиз Хафизович** — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

**Лопатин Юрий Сергеевич** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси «Мурунтау» кони участкаси бошлиғи, Навоий вилояти

**Машарифов Зарифбой Куранбаевич** — Гурлан туманидаги «Дўсимбий» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

**Назиров Исмаилжон Таштемирович** — «GM O`zbekiston» ёпиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бошқармаси бўлим бошлиғи, Андижон вилояти

**Палванов Ражаббой** — Ҳазорасп тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг автокаток ҳайдовчиси, Хоразм вилояти

**Реймов Полат Расбергенович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф- муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

**Ризаев Фаррух Масидарович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Сафоев Содиқ Солиҳович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси

**Сеилханов Амангельди Алписбаевич** — Қанликўл туманидаги «Жана кала» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Собиров Шухратжон Уринбаевич** — Қўқон шаҳар ҳокими, Фарғона вилояти

**Усманова Санобар Кучимовна** — Янгиер шаҳридаги «Обод юрт» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

**Фахрутдинов Гамир Назимович** — Қувасой шаҳридаги «Темир-бетон ишлаб чиқариш» корхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти

**Фозилов Ахмаджон Абдухалилович** — Наманган шаҳридаги «Наманган автойўлтранс» масъулияти чекланган жамияти ҳайдовчиси, Наманган вилояти

**Хаджаев Алишер Джуракулович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси

**Хайитмурадов Мухтар Кулдашевич** — Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

**Халиков Мели Турсунович** — «Наманганмаш» очиқ акциядорлик жамияти бош механиги, Наманган вилояти

**Хамраев Шавкат Рахимович** — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари

**Хасанов Мадаминжон Хасанович** — «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими фаоли

**«Шухрат» медали билан (100 ёшдан ошганлар)**

**Абдурасулова Одинахон** — Бешариқ тумани, Фарғона вилояти

**Бердиева Ёдгор** — Бухоро шаҳри, Бухоро вилояти

**Бозарова Шодмонбу** — Олтинкўл тумани, Андижон вилояти

**Дустова Муаззам** — Навбаҳор тумани, Навоий вилояти

**Жумабоева Моможон** — Боғот тумани, Хоразм вилояти

**Каримова Олма** — Элликқалъа тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кумакова Тугал** — Пастдарғом тумани, Самарқанд вилояти

**Мирзаева Саври** — Чилонзор тумани, Тошкент шаҳри

**Назарова Басида** — Косонсой тумани, Наманган вилояти

**Норматова Болбуви** — Фориш тумани, Жиззах вилояти

**Халбутаева Химат** — Оҳангарон тумани, Тошкент вилояти

**Халикова Бувинса** — Сайхунобод тумани, Сирдарё вилояти

**Худайберганова Холдон** — Деҳқонобод тумани, Қашқадарё вилояти

**Хурамов Бадал** — Музработ тумани, Сурхондарё вилояти

**«Жасорат» медали билан**

**Абдуллахатов Сайдулло Хайруллаевич** — Асака туманидаги маиший техника таъмирлаш устаси, Андижон вилояти

**Ахмедов Раҳматулла Раҳмонқулович** — Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Жиззах шаҳар бўлими раиси, Жиззах вилояти

**Базарбаев Махмуджон Бахтиёрович** — Урганч туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Дусмаматова Мукtарам** — Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Каттақўрғон тумани бўлими қошидаги корхона тикувчиси, Самарқанд вилояти

**Зоиров Тиловмурод Мустафакулович** — Нишон туманидаги «Истиқбол» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси косиби, Қашқадарё вилояти

**Меликулов Хамиджон Абдугаффарович** — Гулистон тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси устаси, Сирдарё вилояти

**Нуруллоев Камолиддин Намозбоевич** — Кармана туманидаги 25-махсус мактаб- интернатининг кўзи ожизлар гуруҳи методика бирлашмаси раҳбари, Навоий вилояти

**Собирова Кудратой Нурмаматовна** — Бувайда иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс маркази етакчи мутахассиси, Фарғона вилояти

**Сулайманов Хамза Хамидович** — Оҳангарон туманидаги «Барака ишонч Отабек» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Тўраев Ходжанепес Нарзуллаевич** — Қумқўрғон туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Хакимов Бехзод Хикматиллаевич** — Чилонзор туманидаги «Байнал-Минал» ногирон-ампутантлар футбол клубининг ўйинчиси, Тошкент шаҳри

**Хасанова Зулхумар Муратбаевна** — Амударё туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хасанова Фатима Муратовна** — Ўзбекистон Республикаси кўзи ожизлар жамиятининг Вобкент тумани бўлими ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси тўқувчиси, Бухоро вилояти

**Хўжаева Зебохон Муҳаммадиевна** — Республика Ногиронлар жамиятининг Чортоқ тумани бўлими раиси, Наманган вилояти

**«Шухрат» медали билан**

**Абайдуллаева Гульчехра Мариповна** — Мирзо Улуғбек туманидаги «Камронбек коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Абдуазимов Абдутолиб Абдусаматович** — «Автоойна» очиқ акциядорлик жамиятининг ойна ишлаб чиқариш автоматлари созловчиси, Фарғона вилояти

**Абдукадиров Шухрат Абидджанович** — Ҳамза тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

**Абдуллаев Кабил Аббасович** — «Тошмахсустранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Миробод-Махсустранс» автокорхонаси ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Абдулхаев Абдусаттар Абдухамитович** — Тошкент шаҳридаги «Оникс» очиқ акциядорлик жамиятининг асбоб-ускуна цехи токари, Тошкент шаҳри

**Абдураимов Мирзарасул Мамараимович** — «Қувасойшифер» акциядорлик жамияти цех бошлиғи, Фарғона вилояти

**Абдурауфов Абдусамад Абдурауфович** — Андижон шаҳридаги «Ўз-Тонг Хонг Ко» қўшма корхонанинг пайвандловчиси, Андижон вилояти

**Адиев Баходир** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг «14-рельс пайвандлаш поезди» унитар корхонаси пайвандловчиси

**Аминов Давлатбой Хажиевич** — «Хонқа паррандачилик» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

**Анарбаев Мулкаман** — Олтинсой туманидаги «Оқарбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

**Анарбоев Илхомжон Каршибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қимматли қоғозлар департаменти директори

**Аннабаева Ульбосин** — Тахтакўпир тумани «Раъно чевар» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Атамуратов Алишер Сатмуратович** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Нукус тумани Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Атаханов Жумабой Шарафитдинович** — Мирзаобод туманидаги «Оқолтин» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

**Ахатов Неъматилло Асатович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси 3-гидрометаллургия заводи директори, Навоий вилояти

**Ахмаджанова Машкура** — Сергели туманидаги «Қўшқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Ахмедов Агзамжан Акбаралиевич** — «Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятининг 2-қозон турбина цехи бошлиғи, Тошкент вилояти

**Бабаев Анвар Машрабович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Багаутдинова Ольга Сергеевна** — Ҳамза туманидаги «Шодлик хизмати» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Тошкент шаҳри

**Бачурова Людмила Александровна** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Бойко Иван Иванович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Зарафшон қурилиш бошқармаси темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводи пайвандловчиси, Навоий вилояти

**Боймирзаев Баходир Абдусаматович** — Наманган шаҳридаги «Ўзэлектротерм» акциядорлик жамиятининг устаси, Наманган вилояти

**Боротов Эргаш Лолаевич** — Нуробод тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг устаси, Самарқанд вилояти

**Бувабеков Дильшодбек Хатамбекович** — «Қўқон суперфосфат заводи» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи смена бошлиғи, Фарғона вилояти

**Гаипов Аманлила Махмудович** — Юнусобод тумани ободонлаштириш бошқармасининг йўл таъмирлаш бўлими ишчиси, Тошкент шаҳри

**Давронов Голибжон Курбонович** — «Самарқанд автомобиль заводи» масъулияти чекланган жамиятининг йиғувчиси, Самарқанд вилояти

**Джабборов Фахриддин Суюнович** — Жарқўрғон туманидаги «Жарқўрғоннефть» акциядорлик жамияти геологи, Сурхондарё вилояти

**Джуманиязова Фарида Юлдашбаевна** — Элликқалъа туманидаги «Юнивер» қўшма корхонасининг бригада бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Дусназаров Вахиджон Жураевич** — Поп туманидаги «Кўҳинур» хусусий корхонаси директори, Наманган вилояти

**Жуманазаров Кунназар** — Нукус шаҳри «Нукуссаноаттехмонтаж» масъулияти чекланган жамиятининг автокран ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жураев Чули** — «Нуроний» жамғармасининг Касби тумани бўлими раиси, Қашқадарё вилояти

**Жўраева Сайёра Мизомовна** — «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Хатирчи тумани бўлими раиси, Навоий вилояти

**Закиров Мансур Мавзирович** — Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси «Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти» давлат корхонасининг лаборатория мудири

**Зокиров Бобоража Суярович** — Ховос туманидаги «Чаманзор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

**Зокиров Муйдинжон Мусинович** — Фарғона кўприк хўжалигини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси асфальт-бетон цехи оператори, Фарғона вилояти

**Ибатов Чори** — Деҳқонобод туманидаги «Оқмачит» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

**Ибрагимов Жангабай Бахиевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг Қўнғирот минтақавий темир йўл станцияси Хўжайли бекати пайвандловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Имомов Камил Худаярович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси ҳайдовчиси, Навоий вилояти

**Иноғомов Рашодхон Султонович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

**Исматуллаев Назиржон Сайфуллаевич** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Янгиқўрғон тумани Кенгаши раиси, Наманган вилояти

**Исмоилова Жумагул Тўлановна** — Булоқбоши туманидаги «Уч кўча» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Исраилова Азизахон Эргашевна** — Наманган туманидаги «Қуйи Ғирвон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Йўлдошев Хабибулла Хикматуллаевич** — Чиноз туманидаги «Ҳикматулла Йўлдошев» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

**Кадирова Мубарак Розумовна** — Беруний туманидаги «Astera textile» қўшма корхонасининг ип йигирувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Каримов Бахадир Рахимович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг чилангари

**Касимов Ниматжан Абдулхафизович** — Ангрен шаҳридаги «Саноат темир йўл транспорти» унитар корхонасининг электровоз машинисти, Тошкент вилояти

**Ким Сергей Сергеевич** — Мирobод туманидаги «Бити продакшн» Ўзбекистон-Канада қўшма корхонаси директори, Тошкент шаҳри

**Кулдашев Ширали Мирзоёрович** — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси «Шўртан газ кимё мажмуаси» корхонасининг этилен цехи муҳандис-технологи, Қашқадарё вилояти

*Мустақилликнинг йигирма йиллиги муносабати билан вилоят таълим маркази томонидан «20 йиллик илғор тажрибалар» намунавий дарс ишланмалар тўплами яратилди. Унга 19 та фан йўналиши бўйича 76 нафар тажрибали ўқитувчининг дарс ишланмалари киритилди. Ҳар бир дарс ишланмаларнинг электрон варианти, дидактик ва техник кўргазмали воситалари яратилган бўлиб, улар орқали ўқувчилар юртимизда 20 йилда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, таълим тизимидаги туб ислоҳотлар, таълим-тарбиянинг ривожи учун хизмат қилаётган қонун ва қарорлар мазмуни билан ҳам чуқур танишишга муваффақ бўладилар.*

*«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш ишлари ташкил этилди. 7994 нафар кам таъминланган оила фарзандларига ўқув қуроллари, кийим-бош ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 140 нафари ёзги оромгоҳларда дам олдирилди. 76 нафар устоз вилоят халқ таълими фахрийлари уюшмаси жамғармаси ҳисобидан эсталик совғалари билан рағбатлантирилди. Таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилган фахрий устозларнинг 15 нафари республикамиз бўйлаб бепул саёҳатда бўлиб, тарихий обидалар ва мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларни томоша қилиб қайтишди.*

*Таълим муассасалари ўқувчилари учун «Баркамол авлод — мустақил юрт келажаги» шиори остида оммавий, маданий-маърифий тарғибот тадбирлари ва кўрик-танловлар ўтказиш анъана тусини олди.*

*Қишлоқ жойларидаги мактабларда спорт билан шуғулланувчи 6-16 ёшдаги 310 нафар ўқувчи қизлар бепул спорт кийимлари билан таъминланди. Ёз мавсуми давомида умумтаълим мактаблари ўйингоҳларида футбол бўйича Урганч шаҳар биринчилиги ўтказилиб, унда 400 нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди.*

*Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Билимлар беллашуви»да вилоятимиз жамоаси республикада учинчи ўринни эгаллади. Беллашув ғолибларидан 16 нафари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Интеллектуал-соғломлаштириш оромгоҳи»да дам олиб қайтди.*

*2010-2011 ўқув йилида вилоятдаги жами 532 та умумтаълим мактабининг 30911 нафар битирувчиларининг барчаси 91 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олинди.*

*Хонқа туманидаги болалар санаторийсининг сўлим гўшасида «Мустақиллик — бахту саодат» шиори остида вилоятимизнинг чекка ҳудудларида фидокорона меҳнат қилиб, ёшларга пухта билим бераётган ва уларнинг иқтидор қирраларини оширишга катта ҳисса қўшаётган 165 нафар ўқитувчига байрам дастурхони ёзилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.*

*Анъанавий август кенгашлари «Баркамол авлод — мустақил юрт келажаги» шиори остида байрамона кайфиятда ўтказилмоқда. Кенгаш йиғилишларида таълим соҳасида самарали меҳнат қилаётган илғор ва фидойи ўқитувчиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.*

*Энг улуғ ва энг азиз байрамни жўшқин кайфият, ижодкорлик ва ташаббускорлик билан кутиб олаётган таълим ходимлари бундан кейин ҳам юртимиз равнақи, халқимиз осойишталиги ва фарзандларимиз камоли йўлида меҳнат қилаверадилар.*

**Раҳимбой ЖУМОНОВ,**
**Хоразм вилоят таълим маркази раҳбари**

# «GM-Uzbekistan»

## қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Ўзбекистон халқини ҳамда соҳа ходимларини Истиқлолнинг 20 йиллик байрами билан самимий қутлайди. Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака, оилавий бахт тилайди.*




**Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!**


# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

***Навоий шаҳар Ўқувчилар ижодиёт марказида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди.***

Унда сўзга чиққанлар истиқлолнинг қўлга киритилиш тарихи, ривожланиш босқичлари, фуқаролик жамиятини барпо этиш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

«Мумтоз» бадиий жамоаси тақдим этган куй-қўшиқлар тадбир иштирокчилари томонидан илиқ кутиб олинди.

**Алишер ЙЎЛДОШЕВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий шаҳар бирлашган қўмитаси раиси**

***Марғилон шаҳридаги «Янги боғ» маҳалла фуқаролар йиғинида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.***

Тадбирда мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, ўсиб келаётган ёш авлодга яратилган шарт-шароит, Ватанга муҳаббат, миллатлараро тотувлик ҳақида сўз юритилди.

Шаҳар маданият ва спорт бўлими маданият уйи хушовоз хонандалари ижро этган истиқлол, ватан, тинчлик ҳақидаги қўшиқлар тадбирга файз киритди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

***Навоийликлар мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги тантаналарини катта тайёргарлик, ўзига хос меҳнат совғалари билан кутиб олаётир. Вилоят маркази, шунингдек, шаҳар ва туманларда деярли ҳар куни қандайдир тадбир, қайсидир янги иншоотнинг очилиши тантанавор ташкил этилмоқда. Кўчалар, гузарлар, хиёбону сайилгоҳлар байрамона тус олган.***

«Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» деб номланган байрам тантаналари 30 август кунига мўлжалланган. Ушбу тадбир 2400 нафар томошабинга мўлжалланган амфитеатрда бўлиб ўтади.

Шунингдек, байрам тадбирлари Кармананинг «Ёшлик» истироҳат боғида, Хатирчи туманининг «Ёшлик», Зарафшон шаҳрининг «Қизилқум», Конимех туманининг «Енбек», Учқудуқнинг «Лочин» ўйингоҳларида, Қизилтепа, Томди, Нурота туманларининг маданият ва истироҳат боғларида ҳам катта шодиёна тарзида нишонланади.

Байрам тантаналарида таниқли санъаткорлар ҳамда эл назарига тушган севимли халқ бадиий жамоалари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари иштирок этишади.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**


# Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

*Ўзбекистон халқини ва тармоқ ходимларини Истиқлолимизнинг 20 йиллиги ҳамда Рамазон ҳайити билан табриклайди. Мустақил Ватанимиз янада юксалаверсин!*



# «Муборакнефтгаз»

## унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси





*Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик тўйи билан муборакбод этади. Мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган, гуллаб-яшнаш йўлида фидойилик кўрсатаётган юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, улкан муваффақиятлар ёр бўлишини истаб қолади. Серқуёш диёримиз доимо тинч ва бардавом бўлсин!*

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

## Савобга қолаётган тадбиркор

Қумқўрғондаги «Сайхон қурилиш инвест» хусусий корхонасининг овозаси анча олисларгача етиб борган. Сайфиддин Бердиев раҳбарлик қилаётган жамоа айни пайтда тумандаги аҳоли пунктлари ички ва автомобил йўлларига тош ётқизиш ҳамда асфалтлаш ишларини бажаришмоқда. Бу хайрли ишда автогрейдерчи Тоғай Рўзиев, иш бажарувчи Нормурод Қобилов, механизатор Рустам Қувватов, ишчи Хуррам Хурсановнинг хизмати катта бўлаяпти.

— Тумандаги бунёдкорлик ишларига ёки атрофни ободонлаштириш, йўл, йўлак барпо этиш, ички йўлларни таъмирлашга ўз ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз, — дейди хусусий корхона раҳбари Сайфиддин Бердиев. — Биз шу ишда бевосита иштирок этаётганимиздан фахрланамиз...

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Марғилоннинг ширмой нонлари

«Марғилоннон» масъулияти чекланган жамиятида жорий йилнинг биринчи ярмида 510 млн. сўмлик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш корхонада 60 дан зиёд иш ўринларини яратиш имконини берди. Келгусида бу кўрсаткични 10 нафарга кўпайтириш, маҳсулот турини янада ошириш режалаштирилган. Корхонада ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотлари шифохоналар, мактабгача тарбия муассасалари, Меҳрибонлик уйи ҳамда ҳарбий қисм ва савдо дўконларига етказиб берилаяпти.

**Муҳаммаджон**
**МАҲМУДОВ**



## Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

**Ўзбекистон халқини энг азиз ва энг улуғ байрамимиз — юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан табриклайди. Мамлакатимиз шуҳрати тобора юксалаверсин! Турмушимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин!**





## Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

*Бунёдкор халқимиз сафида ўзининг муносиб ўрнини топаётган соҳа ходимларини улкан шодиёна – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг*

# 20 ЙИЛЛИГИ

*билан самимий муборакбод этади! Қалбларга қувонч ва шодлик, ғурур ва сурур бахш этувчи истиқлол байрами муборак бўлсин! Юрт тинчлиги ва фаровонлиги, халқ бахт-саодати, фарзандлар баркамоллиги барчамизни янги зафарлар сари чорлайверсин!*



## Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши



Она диёримиз аҳлини Истиқлолнинг 20 йиллик шонли тўйи билан самимий муборакбод этади.

Ҳар бирингизнинг оилангизга тўкис бахт-саодат, хайру барака кириб бораверсин. Фаровон турмушимизга, осуда ҳаётимизга кўз тегмасин.



## Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшма қўмитаси



Юртимиз аҳлини мустақиллигимизнинг 20 йиллик шонли юбилейи муносабати билан қутлайди. Жонажон диёримиз янада гуллаб-яшнайверсин! Оилангизни тўкин-сочинлик, бахт-саодат, шоду хуррамлик асло тарк этмасин! Юрт равнақига муносиб улуш қўшиш ҳар биримизга насиб этсин!


*Орамиздаги одамлар*

***Саидхўжаевларни Фарғона вилоятида спортчилар оиласи сифатида билишади. Оила бошлиғи Собирхон ака вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси. Серҳаракат, тиниб-тинчимас одам. Касаба уюшмаларида уни «газета ўқийдиган одам» деб ҳам аташади. Чунки, иш столида доимо уюлиб турадиган газета-журналларни битта қолдирмай ўқиб чиқади. Янгиликларни иш жараёнида қўллашга интилади.***



# Спортчилар оиласи

— Мумтоз адабиётни яхши кўраман, — дейди Собирхон ака. — Китоб жавоним Навоий, Огаҳий, Бердақ, Шекспир асарлари билан тўла. Умуман, маънавий, жисмоний баркамоллик ҳар қандай жамиятни тараққиёт сари етаклайди. Бу ҳақда Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ҳам таъкидлаб ўтган. Шунинг учун фарзандларимни спортга меҳр билан тарбияладим. Ходимлар, касаба уюшмаси аъзолари ўртасида ҳам ҳар томонлама баркамолликни тарғиб этишга алоҳида эътибор бераяпмиз.

Собирхон ака Қўқон Давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факултетини тамомлаган. Ҳуқуқшунослик эса унинг иккинчи мутахассислиги. Талабалик йилларида турли спорт мусобақаларида фаол иштирок этди. Стол тенниси бўйича Республика талабалар универсиадаси, Грузиянинг Гори шаҳрида ўтказилган Халқаро турнир ғолиби, Футбол бўйича олий ўқув юртлари ўртасида икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Натижада, теннис бўйича спорт устаси, футбол бўйича спорт усталигига номзодликни қўлга киритди.

Саидхўжаевлар оиласи касаба уюшмалари томонидан уюштириладиган мусобақаларда ҳам фаол иштирок этади. Собирхон ака 2000 йилда Конституция байрами муносабати билан ташкил қилинган марафонда Фарғона — Қўқон йўналиши бўйлаб 100 км. масофани 8,5 соатда босиб ўтди. 2001 йилда эса Саидхўжаевлар «Отам, онам ва мен» спорт мусобақасининг вилоят бўйича ғолиби бўлишди. Шунингдек, «Обод маҳалла йили» муносабати билан ҳаваскор спортчилар ўртасида бўлиб ўтган Республика мусобақасида теннис бўйича ғолибликка эришишди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ходимлари ўртасидаги Республика спартакиадасида эса мини футбол, стол тенниси бўйича 2 марта, теннис бўйича 1 марта 1-ўринни эгаллашди.

— Фарзандларим спортни жуда севишади, — дейди С.Саидхўжаев. — Ўғилларим Санжарбек, Муҳаммад Ризохон, қизим Сарвинозхон билан 5-6 ёшидан Қўқон шаҳридаги «Темирйўлчилар» спорт масканида теннис бўйича илк машғулотларни ўзим олиб борганман. Бунда турмуш ўртоғим Барнохоннинг ҳам ҳиссаси катта. У — руҳшунос, ҳамшира. Мусобақаларда доимо болаларнинг ёнида бўлади, уларга беллашувлар олдидан далда беради. Фарзандларим илк бор Республика теннис Федерацияси томонидан ўтказилган «Кичкинтой» спорт мусобақасида ғолиб бўлишган эди. Ўзбекистон теннис Федерацияси томонидан тасдиқланган жадвалга асосан ташкил этиладиган мусобақаларда Санжарбек ва Муҳаммад Ризохонлар 2002 йилдан, Сарвинозхон 2004 йилдан буён иштирок этиб келишмоқда. Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Тошкент, Фарғона вилоятларида бўлиб ўтган очиқ биринчилик спорт мусобақаларида ҳам фаол қатнашмоқда.

Санжарбек Фарғона Давлат университетининг жисмоний тарбия факултетида 2-босқич талабаси, теннис бўйича вилоят терма жамоаси аъзоси. Муҳаммад Ризохон ва Сарвинозхон ҳали мактабда ўқийди. Яқинда улар теннис Федерацияси томонидан ташкил этилган «Олимпия умидлари» спорт мусобақаси ғолиблигини қўлга киритди. Кўрсатган натижалари боис, Республика олимпия захиралари теннис мактабига таклиф этишди. Мактаб раҳбари С.Абидов иккала ёш спортчига катта теннис сирларини ўзлаштиришда амалий ёрдам бериб келмоқда. Муҳаммад Ризохон ва Сарвинозхон халқаро турнирларда фаол иштирок этиб келишяпти. Жумладан, Сарвинозхон 2010 йилда Малайзия, Тайланд, Исроил давлатларида ҳамда Ашхабод, Бишкек шаҳарларидаги мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллади.

— Бу йил Сарвиноз қизим барчамизни хурсанд қилди, — дейди Собирхон ака. — Май ойида Исроил давлатидаги халқаро мусобақада ғолиб бўлди. Июлда Малайзиянинг Кучинг ҳамда Котакинабалу шаҳрида 14 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги Осиё биринчилигида байроғимизни баланд кўтарди. Қизимнинг ғалабаси шарафига мамлакатимиз мадҳияси янграганда, тўғриси, қувончдан йиғлаб юбордим. У шу кунгача ўсмирлар ўртасида Осиёнинг энг кучли теннисчиси саналган Хитой Тайпейилик Чау Пен Жу устидан йирик ҳисобда ғалаба қозониб, ўзбек қизининг нималарга қодир эканини кўрсатиб қўйди. Сарвиноз менга берган ваъдаси устидан чиқди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Фан ютуқлари — халқ хўжалигида**

# Ҳам фойдали, ҳам тежамли

***Қашқадарёда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бериляпти. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан йигирмадан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларда қуёш батареялари ўрнатилиб, электр энергияси тежалмоқда.***

— Фан ва техника тараққиёти ютуқлари халқ хўжалигига кенг жорий этилаётганлиги ўз самарасини бераяпти, — дейди физика-математика фанлари доктори, профессор Ботир Хайриддинов. — Қуёш батареялари, биогаз қурилмалари, шамол ва сув орқали олинадиган энергия тежамли манбалардандир.

Ҳақиқатдан ҳам табиатни муҳофаза қилишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари дастурига асосан корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари маъмурий биноларига қуёш батареялари ўрнатилаётганлиги айни муддао бўлаётир.

Чироқчи туманидаги «Латипов Меҳрож Қосимович» паррандачилик фермасига ўрнатилган қуёш батареялари теварак-атрофни ёритибгина қолмай, балки паррандалар маҳсулдорлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Ушбу туман марказидан олисда жойлашган Қалқама қишлоқ шифохонаси ва «Ўзбекистон» қишлоқ врачлик пунктида қуёш батареяси кучи билан тиббиёт аппаратлари ва ёритгичлар ишлатиляпти.

Муқобил энергия манбаларидан Қамаши қишлоғидаги «Туқбой» қишлоқ врачлик пунктида, Яккабоғ туманидаги ревматология болалар шифохонаси, Қарши туманидаги «Нурбой Кумуш қизи» фермер хўжалигида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

— Гўнгдан биогаз олишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди Касби туманидаги «Юрт ризқи ҳосилчилик» масъулияти чекланган жамияти раиси Н. Худойбердиев. — Ҳосил қилинган энергия фермамиз ва қишлоқ хонадонларининг эҳтиёжини қондиришга етади.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантирувчи дастурлар ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилаётганлиги ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир. Мавжуд технологиялар республикамиз ёқилғи-энергетика захиралари самарадорлигини ошириш билан бирга, кўп миқдорда корбонат ангидрид газининг атмосферага чиқиши олдини олади.

**И. ИСОМИДДИНОВ**

*Бандлик дастури*

***Яқинда Ширин шаҳрида ўтказилган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари меҳнат ярмаркаси» ўзининг ижобий самарасини берди. Шу куни шаҳар ҳудудидаги 38 та корхона меҳнат ярмаркасида қатнашди.***

# Интилганга иш топилади

Тадбир иштирокчиларига 77 та вакант иш ўринлари тақдим этилди. Шу куни 55 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. Жумладан, Сирдарё иссиқлик энергетика станциясига 24 нафар, шаҳар тиббиёт бирлашмасига 12 нафар, шаҳар энергетика ва маиший хизмат кўрсатиш коллежига 5 нафар фуқаро ишга қабул қилинди.

— Меҳнат ярмаркаси шарофати билан шаҳар тиббиёт бирлашмасига ишга қабул қилиндим, — дейди Холида Усмонова. — Қувончимнинг асло чеки йўқ.

— Мен Сирдарё иссиқлик энергетика станциясида ишлаш имкониятига эга бўлдим, — дейди Зуҳриддин Холмуҳаммедов қувонч билан. — Корхонадаги иш шароитлари, белгиланган иш ҳақи менга манзур бўлди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

# Қишлоқ чирой очмоқда

***Шаҳрисабз туманидаги Тўдамайдон қишлоқ фуқаролар йиғинида халқ фаровонлигини яхшилашга қаратилган кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Осиё тараққиёт банки кўмаги ва аҳолининг маблағлари ҳисобидан қишлоқларда 3 та артезиан қудуғи қазилди, 51,3 километр сув қувурлари ётқизилди. 2,5 километр узунликдаги асфалт йўл таъмирланди.***

Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига асосан кейинги уч йилда тадбиркорлик, оилавий бизнес, касаначилик ва ҳунармандчиликнинг барча турлари йўлга қўйилиб, 234 иш ўрни яратилди.

— 2010-2011 йилларда ҳудудимизда 30 га яқин оилавий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Дилбар Эшонқулова. — Банкдан олинган имтиёзли кредитлар ҳисобига хонадонларда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, сабзавотчилик йўлга қўйилиб, уйда ўтирган 130 нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди.

Фуқаролар йиғинининг маркази Қўшқанот қишлоғида қўшқаватли тўйхона, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, тикиш-бичиш цехи, қишлоқ тарихи музейи ишга тушди.

Кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли қишлоқ тобора чирой очиб, халқ турмуши фаровонлашмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ**


## «Бухоропарранда» очиқ акциядорлик жамияти раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси

Халқимиз дастурхонини тўкин қилишга муносиб ҳисса қўшаётган соҳа ишчи-хизматчиларини, биз билан ҳамкорликда меҳнат қилаётган жамоалар ходимларини, мамлакатимизнинг барча аҳолисини катта тантана — Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан самимий қутлайди.



Юрт тинчлиги ва ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида ватандошларимизга мустаҳкам соғлик, байрамона кайфият, дастурхонларига тўкинлик тилайди!

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 27-avgust № 106-107 (2988)

# «Шарқ тароналари» – етти иқлим наволари

Инсон — оҳанглар ошуфтаси. Ўзи яратган сеҳрли наволарнинг тингловчиси ҳам, ҳайратланувчиси ҳам унинг ўзи. Инсонни олижаноб мақсадлар сари илҳомлантириш, ёруғ хаёллар сари бошлаш, эзгуликка даъват этишда мусиқанинг аҳамияти беқиёс. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, мусиқа санъатисиз руҳий камолотга эришиб бўлмайди.

Қадим заминимизда мусиқа илк маданият турларидан бири сифатида шаклланиб, халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Бу кўплаб тарихий манбалар, археологик қазишмалар даврида топилган ноёб ашёларда ўз ифодасини топган.

Айниқса, Амир Темур даврида фан ва маданиятнинг бошқа соҳалари қатори мусиқа ва қўшиқчилик санъати ҳам юқори даражада ривожланган. Соҳибқирон ташкил этган йирик марказлашган давлатнинг пойтахти — Самарқандда ўз даврининг энг машҳур созанда ва хонандалари, мусиқашунос олимлар, шоирлар жам бўлган. Бу ердаги боғларда мушоиралар, мусиқий анжуманлар уюштирилган. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» китобида Амир Темур саройидаги мусиқа анжуманлари ҳақида «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эдилар. Ва турку мўғил, хитойу араб ва ажамдан ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эди», деб ёзади.

Истиқлолнинг илк йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимиздан мерос бой, қадимий ва серқирра мусиқа маданиятимизни ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодни ушбу бебаҳо меросдан баҳраманд этиш баробарида уларга миллий ва жаҳон мусиқа санъати дурдоналари ўргатилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали маданият ва санъатга берилаётган ана шундай юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Мазкур фестиваль дунё халқларининг миллий мусиқий мероси ва анъаналарини ривожлантириш, тили, маданияти, қадриятлари турлича миллат ва элатларни санъат воситасида бир-бирига яқинлаштириш, инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган. Шу боис қисқа вақтда халқаро миқёсдаги йирик санъат анжуманига айланди.

Самарқанд, Регистон майдони. 26 август, соат 19.00.

...Самарқанд осмонидаги минглаб юлдузлар акси заминга тушаётгандек. Нилий гумбазлар узра сирғалаётган рангин шуълаларда гўё ўтмиш ва келажак жилоланмоқда. Тунги шаҳарнинг майин эпкини дилни яйратиб, кишига ҳузур бахш этади. Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасаларини туташтириб турган муаззам майдондаги улкан амфитеатр тантана иштирокчилари — кенг жамоатчилик вакиллари билан тўлган. Улар орасида хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, «Шарқ тароналари» саккизинчи мусиқа фестивали қатнашчилари ва меҳмонлари, санъат намояндалари, журналистлар ва сайёҳлар бор.

Анжуман аҳли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Регистон узра карнай-сурнай, ноғора садолари янграйди. Мумтоз куй-қўшиқлар жозибали рақсларга уланади. Мусиқа садолари остида муҳташам саҳнага фестиваль қатнашчилари — 56 мамлакат санъаткорлари кириб келади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонларни қутлар экан, мазкур фестивалнинг мазмун-моҳияти, бетакрор руҳи, қиёфаси ва шарқона фалсафаси ҳақида тўхталди, фестиваль иштирокчиларига ижодий зафарлар тилади.

Маросимда ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ваколатхонаси директори Гванг Жо Ким мазкур анъанавий халқаро фестиваль жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари орасида алоҳида ўринга эга эканини, нафақат Шарқ, балки бутун дунёнинг санъат намояндалари ва ихлосмандларини ўзига жалб этаётганини таъкидлади.

Фестиваль қатнашчилари сони ортиб, янги номлар кашф этилаётир. Ер юзининг турли минтақаларида бой тарихий-миллий мусиқа ва қўшиқчилик анъаналарини асраб-авайлаб, давом эттириб келаётган ижодий гуруҳ ва ансамбллар ўз дастурлари билан иштирок этмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида



ўтаётган бу галги фестивалга Самарқандда катта ҳозирлик кўрилди. Шарқ гавҳари, ер юзининг сайқали, деб эътироф этилган қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарда Президентимиз раҳнамолигида кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳарнинг Мирзо Улуғбек, Бўстонсарой, Спитамен, Беруний, Панжакент кўчалари ва уларнинг атрофидаги бино, иншоотлар миллий ва замонавий архитектура талаблари асосида қайтадан бунёд этилди. Жумладан, йигирмага яқин кўп қаватли турар жой, олтмишга яқин ижтимоий соҳа объекти, йигирмадан ортиқ маъмурий бино, юздан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. Йўллар кенгайтирилиши билан шаҳарда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати янада ошди.

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида Мирзо Улуғбек музейи қайтадан бунёд этилди. Буюк бобомизнинг янги ҳайкали ўрнатилди. Мажмуа ҳудуди ободонлаштирилди. Регистон мажмуаси атрофида эса 3,2 гектар майдонни эгаллаган хиёбон ташкил этилди. Бу ерда кўплаб ноёб дарахт кўчатлари экилиб, ранго-ранг чироқлар ёғдусида товланувчи фавворалар барпо этилди.

Шаҳарнинг асосий дарвозалари ҳисобланган халқаро аэропорт, темирйўл вокзали ҳамда автошоҳбекатлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Ушбу масканларда йўловчиларга юқори даражали сервис хизмати кўрсатилмоқда. Шунингдек, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан «Тошкент — Самарқанд» йўналишида «Афросиёб» тезюрар поезди қатнови йўлга қўйилди.

...Халқаро мусиқа фестивали очилишига бағишланган концерт дастури анжуман иштирокчилари ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Фестиваль қатнашчилари Регистон майдонидаги асосий саҳнадан ташқари, шаҳардаги «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» истироҳат боғларида, Самарқанд, Тайлоқ, Ургут, Жомбой, Оқдарё, Пайариқ туманларида концерт дастурларини намойиш этиши, санъат ихлосмандлари билан учрашувлар кўзда тутилган.

Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари маданиятини ўрганишда манбаларнинг ўрни» мавзуидаги халқаро конференция ўтказилади. Миллий либослар ва чолғу асбоблари кўргазмалари ташкил этилади.

Самарқанд шаҳрида бошланган халқаро мусиқа байрами шукуҳи Ватанимиз узра қанот ёзди. Эртанги ёруғ кунларга қатъий ишонч билан яшаётган бунёдкор халқимиз истиқлолимизнинг муборак тўйи — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини фахру ифтихор, ёруғ юз билан қарши олмоқда.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

*Санъатлар ичинда энг шарқонаси,*
*Юлдузлар сайлида дур-маржонаси*
*Регистон кўшкида жон-жононаси —*
*Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.*

*Самарқанд базмида сайқали жаҳон,*
*Кўнгил меҳробида ишқ — зебигирдон,*
*Мағрибдан Машриққа қадар бу уммон —*
*Шарқ таронасидир, қалб таронаси.*

*Аслида ғарб — ғуруб, шарқ эди шафиқ,*
*Тафаккур аҳлига Ҳақ берди тавфиқ*
*Жон ила вужудга куй бўлди рафиқ —*
*Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.*

*Наволар уйғонар ҳар кошин, ғиштда,*
*Қўшиққа айланар ҳар жон, ҳар ришта*
*Қуёшдан куй бўлиб қўнган фаришта —*
*Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.*

*Осиё қалбининг олтин ҳалқаси,*
*Соҳибқирон қурган тинчлик қалъаси*
*Ипак йўли бўлган шарқ машъаласи —*
*Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.*

*Шаънингга ярашар ҳар қанча талқин,*
*Қўллари кўксида — хуш кўрди халқим,*
*Юраклар тафтидан порлаган ёлқин —*
*Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.*

*Дунёда онадай мўътабар зот йўқ,*
*Ватандай муқаддас, файзли ҳаёт йўқ,*
*Она — Ватан йўқдир — бил, қўшқанот йўқ,*
*Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.*

*Тарона авжидир шодликдан дарак,*
*Қувончдан гурсиллаб уради юрак —*
*Тўйларга уланган тўйлар муборак,*
*Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.*

Нуруллоҳ ДОСТОН

## Мустақиллик одимлари

# Зиёбахш маскан



**Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази юртимиздаги нуфузли тиббиёт муассасаси ҳисобланади. Бу ерда кўз касалликларини даволаш бўйича замонавий тиббиётнинг илғор усулларидан фойдаланган ҳолда беморларга ёруғ оламни кўриш бахти улашилмоқда. Марказ директори, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош офтальмологи, тиббиёт фанлари номзоди Зафар СИДИҚОВ билан муассаса фаолияти ҳақида суҳбатлашдик.**

***— Зафар Умарович, инсонга кўриш қобилиятини қайтаришда, тиклашда сиз раҳбарлик қилаётган марказнинг ўрни беқиёс. Шифо маскани ҳақида қисқача маълумот берсангиз.***

— Марказимиз Юртбошимиз Фармони асосида Тошкент вилояти кўз микрохирургия маркази негизида ташкил топган бўлиб, 2007 йил январ ойидан Тошкент шаҳар Учтепа тумани Кичик ҳалқа йўли кўчасидаги тўлиқ реконструкция қилинган бинода фаолият кўрсатаяпти. Муассаса 4 қаватли замонавий бинода жойлашган.

Бу ерда ғилайлик (асосан болаларда), кўриш қобилиятининг сусайиши (кўз хиралашиши), шунингдек, катаракта касаллигининг турли шакллари даволанади. Энг кўп учрайдиган катаракта касаллигини даволашда дунё бўйича қабул қилинган факоэмульсификация (ультратовуш ёрдамида майдалаш) усули 70-80 фоиз қўлланилади. Бу беморнинг қисқа фурсатда юқори кўриш ўткирлигига эришишига ва иш фаолияти тикланишига сабаб бўлади. Шунингдек, тўр парда ва шишасимон тананинг қандли диабетдан касалланиши, томир касалликлари ва тўр парда кўчишининг оғир ҳолатларини даволаш, кўз олмасининг олд ва орқа қисмларини замонавий лазер нурлари билан жарроҳлик йўли орқали даволаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, фақат бизнинг марказимизда кератопластика операцияси — АҚШнинг Флорида штати кўз банкидан олиб келинган донор шоҳ пардасига алмаштириш ҳамда шоҳ парданинг ички қавати алмаштириладиган Disek жарроҳлиги амалга оширилади.

***— Яратилган шарт-шароит, иш услуби ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.***

— Таъкидлаганимдек, марказ замон талабларига жавоб берадиган бинода жойлашган бўлиб, жаҳон стандартларига мос келадиган тиббиёт асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. 150 нафар бемор қатновига мўлжалланган маслаҳат-ташхис поликлиникаси фаолият кўрсатади. Йилига 6000 жарроҳлик амалиёти ўтказишга мўлжалланган жарроҳлик блоки, 50 ўринга мўлжалланган стационар бўлими; дорихона, лаборатория мавжуд.

Ўтган йилларда 55 та замонавий тиббий ускунани сотиб олиш учун 352418 минг сўм маблағ сарфланди. Юқори технологияли асбоб-ускуналар ёрдамида кўз касалликларини замонавий текшириш ва жарроҳлик усулларини янги технологиялар ёрдамида амалга ошириш йўлга қўйилган.

***— Маълумки, марказ муқобил тиббий хизмат сифатида фаолият юритади ва пулли хизмат кўрсатади. Беморлар орасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтожлари ҳам бор. Уларга қандай имтиёзлар кўзда тутилган?***

— Албатта, марказда ижтимоий ҳимояга муҳтож беморларга ҳам тиббий хизмат кўрсатилади. Махсус ордерга эга бўлган имтиёзли тоифага кирувчи беморлар учун барча тиббий хизматлар давлат бюджети ҳисобидан бепул амалга оширилади. Ҳар йили давлат Дастури бўйича қабул қилинган ижтимоий ҳимояга муҳтож беморларни даволаш режаси (катаракта касаллигида жарроҳлик амалиёти қўлланиб, сунъий гавҳарга алмаштирилади) тўлиқ ва сифатли бажариб келинади.

***— Маълумки, тиббиёт доимий изланиш, янгиликлардан бохабар бўлиш, ҳамкорлик ва илғор тажрибаларни алмашишни тақозо этади.***



— Шифо масканимизда ҳозирда 154 нафар ходим хизмат қилади. Улардан 1 нафар фан доктори ва 6 нафар фан номзоди ва яна 5 нафар шифокор илмий изланиш олиб бормоқда. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 30 дан ортиқ мутахассислар хорижнинг нуфузли офтальмологик клиникаларида малака оширдилар.

Яқинда марказимиз илмий-техникавий Давлат дастурлари бўйича танловда қатнашиб, «Неоваскуляр глаукомани янги ташхис алгоритмини даволаш ва профилактика принципларини ишлаб чиқариш» мавзуидаги илмий лойиҳани бажариш учун Давлат грантини олишга сазовор бўлди.

Хориж билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш борасида АҚШнинг халқаро кўз банки билан донор шоҳ пардаларини олиб келиш бўйича, шунингдек, Москва шаҳридаги Академик С.Федоров номли «Тармоқлараро илмий-техникавий комплекс» кўз микрохирургияси билан шартнома тузилди.

**Шавкат МУЗАФФАР**
**суҳбатлашди**

Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи маъмурияти коллеж қошидаги 200 ўринга мўлжалланган ошхонани ижарага бериш учун танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этишни хоҳлаган юридик корхоналар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари сўралади:

1.Фирманинг гувоҳнома нусхаси
2. Паспорт нусхаси
3. Банк ҳисоб рақами
4. Бизнес режа.

**Мурожаат учун телефнлар: 265-98-54, 265-98-47.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Мингбулоқ кўчаси, 1-«Б» уй.**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Ўзбекистон Республикаси ИИВ жазони ижро этиш бош бошқармаси ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси **Евгений КИМ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Muassis:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir: A. Qodirova
Navbatchi: A. Arslonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Босишга топшириш вақти - 21.00

Буюртма Г — 811

13617 nusxada bosildi

2345